

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМДЖАНОВ НОЗИМЖОН НИМАДЖАНОВИЧ

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
БАҲОЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

УДК 915.0 (575. 1):371.03

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Алимджанов Нозимжон Нимаджанович

Ер ресурсларининг ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш ва уни
такомиллаштириш йўллари (Наманган вилояти мисолида) 3

Алимджанов Нозимжон Нимаджанович

Оценка ландшафтно-экологического состояния земельных ресурсов и пути
их совершенствования (на примере Наманганской области) 21

Alimdzhanov Nozimjon Nimadzhanovich

Assessment of landscape-ecological state of land resources and ways of their
improvement (on the example of the Namangan region) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМДЖАНОВ НОЗИМЖОН НИМАДЖАНОВИЧ

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ
БАҲОЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Gr109 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ахмадалиев Юсуфжон Исмоилович география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўразбаев Абдукарим Кендербаевич география фанлари доктори, профессор Алимқулов Нусратилла Раҳмонқулович география фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузурдаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2022.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 31-март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет киебони, 15-уй, Самарқанд давлат университети бош биноси 105-хона Тел.: (+99866) 239-16 36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет киебони, 15 уй. Тел.: (+99866) 239 11 40.

Диссертация автореферати 2022 йил « 16 » 03 кун тарқатилди.
(2022 йил « 7 » 01 даги 21 рақамли реестр баённомаси)



С.Б. Аббасов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.А. Мелис
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, география
фанлари бўйича PhD

В.А. Рафиков
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, т.ф.д

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли ва халқ хўжалиги тармоқларининг ер ресурсларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш, ўзлаштирилган ерлардан янада интенсив фойдаланиш жараёни кучаймоқда. Бу эса ер фонди табиий-ландшафт таркибининг ўзгариши, биологик хилма-хилликни пасайиши ва унинг ташқи антропоген босим остида қолиб оптимал ҳолатини бузилишига олиб келмоқда. БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида «қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш» бўйича вазифалари белгиланган¹. Мазкур вазифалар айниқса ер ресурслари миқдори чекланган минтақаларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Дунёда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, ерлардан барқарор ривожланиш тамойилларига мос ҳолда фойдаланиш, ер ресурсларининг табиий ландшафт таркибини ўзгариши бўйича гомоген гуруҳларга ажратиш, антропоген босим кўрсаткичларини ҳисоблаш, ҳудудларнинг экологик-хўжалик мувозанати баҳолаш орқали ресурслардан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ландшафтшунослик ва ер тузиш соҳалари ўртасида ўзаро боғлиқликни эътиборга олиб, ердан фойдаланиш турларини имкон даражасида табиий-ландшафт талабидан келиб чиқиб белгилаш, ландшафтли режалаштириш тамойилларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда ҳар бир минтақа ер фондини тоифаларга ажратишда, қишлоқ хўжалиги ер турларини белгилашда ва экин майдонлари таркибини аниқлашда жойнинг табиий-ландшафт хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида «ер, тупроқни антропоген ва бошқа таъсирлардан сақлаш, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни қўллашни органик ўғитлар билан босқичма-босқич алмаштириш»² каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, хусусан, Наманган вилоятида ер ресурсларининг ландшафт-экологик ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш, қишлоқ хўжалиги антропоген босимининг ортиши натижасида юзага келаётган салбий экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ -5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишда жойнинг ўзига хос табиий-ландшафт хусусиятларини, экологик-хўжалик жиҳатдан зўриқиш даражасини тадқиқ этишга бугунги тадқиқотларда кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда тадқиқот олиб борган МДХ давлатлари олимларидан А.Г.Исаченко, Б.И.Кочуров, В.Г.Крючков, А.М. Носонов, Калуцков В.Н. Ўзбекистонлик олимлардан А.А.Абдулқосимов, Л.А.Алибеков, А.Рахматуллаев, А.Ўразбаев, С.Б.Аббасов А.Мақсудов, А.А.Рафиқов, Ю.Шадиметов, Т.Джумаев, А.Н.Нигматов, Б.Камолов, К.Боймирзаев, Ю.И.Аҳмадалиев кабиларнинг изланишлари масала моҳиятини очиқ беришга ёрдам беради.

Бироқ, ер фондининг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш асосида ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлашга кўмаклашувчи ландшафтли режалаштириш йўналишидаги ишлар ҳозирча Наманган вилоятида олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-7-29 «Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» мавзусида олиб борилаётган мажмуали илмий ишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилояти ер фонди табиий-ландшафт таркибини ўзгариш даражаси, экологик-хўжалик балансидаги йиллик ва ҳудудий ўзгаришлар динамикасини аниқлаш орқали ердан фойдаланишининг самарали йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

барқарор ривожланишнинг ер ресурслари билан боғлиқ илмий-назарий асосларини очиқ бериш;

ер фонди ландшафт таркиби ва унинг ўзгариш даражаси бўйича экологик гомоген гуруҳларга ажратиш услубини такомиллаштириш;

Наманган вилояти ер фондига тушадиган хусусий антропоген юк миқдорини аниқлаш;

Наманган вилояти ҳудудини нисбий экологик зўриқиш коэффицентини аниқлаш ва карталаштириш;

Вилоят ҳудудини экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси бўйича маъмурий-хўжалик бирликлари даражасида районлаштириш;

Олинган натижалар асосида ҳудудни барқарор ривожланишини таъминловчи ландшафтли режалаштириш ҳамда инновацион экологик лойиҳалар ишлаб чиқишда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятининг ер фонди ва ундан фойдаланиш динамикаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Наманган вилоятида ердан фойдаланиш тизимини барқарор ривожланиш тамойилларига мос ҳолда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда дала, картографик, географик-таққослаш, тиббий географик, статистик, ландшафт-геокимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги:

ҳудуднинг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш услубиёти ArcGIS дастурларидан фойдаланиб, суғориладиган ҳудудларнинг минтақавий хусусиятларни эътиборга олиб такомиллаштирилган;

Наманган вилояти ҳудудининг табиий-ландшафт табақаланиши маъмурий туманлари бўйича ўтказилган, ҳар бир туманда ер фонди тоифа ва турлари ландшафт табиий таркибини ўзгариш даражаси ҳамда антропоген юк кўрсаткичлари бўйича экологик гомоген гуруҳларга ажратилган, ўзгариш динамикаси аниқланган ва шу асосда башоратли карталар ишлаб чиқилган;

Наманган вилояти ҳудуди экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси бўйича районлаштирилган, экологик-хўжалик ҳолатни мураккаблашишига сабаб бўлган омилларнинг генезиси, салмоғи аниқланган, экологик-хўжалик ҳолатни оптималлаштиришнинг ҳудудий жиҳатлари асосланган;

вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг истиқболдаги ер тузиш ишларида қўллаш учун ландшафтларнинг агроирригацион, агрокимёвий, агротехник таъсир турларига чидамлилиқ даражасини ҳисобга олувчи ландшафтли режалаштириш тамойилларига асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган минтақалар учун, ArcGIS дастурлари асосида ҳудуднинг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш учун ер фондини 33-сатр бўйича экология гомоген гуруҳларга ажратиш услубиёти яратилган;

Наманган вилояти ҳудудини маъмурий туманлар кесимидаги экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси бўйича динамик карталари ишлаб чиқилган;

Наманган вилояти ер фонди ландшафтларининг табиий таркибини ўзгарганлиги, антропоген юк миқдори ҳамда ташқи таъсирлардан

химояланганлик даражасига асосланган ердан фойдаланишни ландшафтли режа лойихаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Наманган вилояти ер ресурслари ва кадастр, статистика, қишлоқ ва сув хўжалиги бош бошқармалари маълумотларидан, шунингдек, муаллиф томонидан ўтказилган дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлардан ҳам фойдаланилганлиги ҳамда назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Республиканинг барча суғориладиган минтақаларида ердан фойдаланиш турларини экологик гомоген гуруҳларга ажратишда, ландшафт табиий таркибни ўзгариши, антропоген юк миқдорини мониторинг қилишда ҳудуднинг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолаш ва оптималлаштириш чоратadbирларини ишлаб чиқишда методологик илмий асос бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер ресурсларидан барқарор ривожланиш тамойилларига мос келувчи норматив асосларни, дастур, режаларини ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилояти ер ресурсларининг ландшафт-экологик ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудуднинг экологик-хўжалик ҳолатини баҳолашнинг ArcGIS дастурларидан фойдаланиш ҳамда, суғориладиган ҳудудларнинг минтақавий хусусиятларини эътиборга олиб такомиллаштирилган услубиёти вилоят суғориладиган ерларни баҳолаш амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 04-07062-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда экологик ҳолатни ҳисобга олиш имконини берган;

Наманган вилояти ҳудудининг табиий-ландшафт табақаланиши, туманларда ер фонди тоифа ва турлари ландшафт табиий таркибини ўзгариш даражаси ҳамда антропоген юк кўрсаткичлари бўйича экологик гомоген гуруҳларга бўлиш, ўзгариш динамикаси ва хариталардан вилоят ер фондидан фойдаланиш мониторингини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 03-02/8-1973-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятда амалдаги ердан фойдаланиш ҳолатини сўнги 20 йилдаги ва маъмурий туманлар, ландшафт турлари ўртасидаги ўзгариш ва тафавутлар ҳамда унинг сабабларини аниқлаш имконини берган;

Наманган вилояти ҳудудини экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси бўйича районлаштириш туридан вилоятда ер фондини экологик-хўжалик ҳолатни оптималлаштиришнинг ҳудудий тафовутларини аниқлашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 03-02/8-1973-сон маълумотномаси). Натижада, маъмурий туманларни экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси юқори, ўрта, паст гуруҳларга ажратиш, оптималлаштиришнинг табақалаштирилган истиқболли режасини ишлаб чиқиш имконини берган;

вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг истиқболдаги ер тузиш ишларида қўллаш учун ландшафтларнинг агроирригацион, агрокимёвий, агротехник таъсир турларига чидамлилиқ даражасини ҳисобга олувчи ландшафтли режалаштириш схемасидан ер тузиш амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 04-07062-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ер турларини (суғориладиган ҳайдов ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар боғ ва узмзорлар, бўз, пичанзор, яйлов...) ҳудудий жойлаштиришда ландшафт имкониятларини ҳисобга олувчи режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ОТМ илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер ресурсларининг табиий-ландшафт ҳолати ва барқарор ривожланиш концепцияларининг назарий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда Жаҳонда ва Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш концепциясини ҳаётга тадбиқ этилишида ер

ресурсларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Мазкур йўналишда истиқболдаги йўналишларини белгилаш учун дастлаб, мазкур концепцияни юзага келиш тарихи, шароитлари ва ер ресурслари билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этади.

XX асрнинг ўрталарига келиб жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан қатъий чекланган Ер сайёраси ва унинг ресурслари ҳажми ўртасида номутоносблик борлиги маълум бўлди. Яқин келажакда юз бериши мумкин бўлган экологик инқироз хавфи ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди. Ундан қутилишнинг ягона йўли сифатида анъанавий хўжалик юритиш тизимида тубдан ўзгариш қилишни талаб қилувчи «Барқарор ривожланиш» концепцияси юзага келди. Бу концепцияда ҳам асосий эътибор ер ресурсларига қаратилмоқда.

Хорижда қишлоқ хўжалиги соҳасини (ердан фойдаланишни) барқарор ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш концепцияси - (sustainable agriculture) ишлаб чиқилди (Altietі M.A., Francis C.A., Madden J.P., O'Connell P.F.). МДХ давлатларида турли ривожланиш қонунлари асосида фаолият юритувчи ҳудудий-ишлаб чиқариш ва табиий-ҳудудий тизимларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи модель яратилган (Крючков В.Г.). Бунда ишлаб чиқариш (қишлоқ хўжалиги) ва табиий тизимларнинг ўзаро алоқаси юз берадиган жой, ўзининг табиий (иқлим, рельеф, тупроқ, сув...) ва ишлаб чиқариш (хайдалма ер ўтлоқ, мевазор...) унсурларига эга бўлган қишлоқ хўжалик ерларидир. Юқоридаги модулга таянган ҳолда яратилган, ҳудудий-ишлаб чиқариш ва табиий-ҳудудий тизимларни ўзаро муросага келтириш, мувозанатли, барқарор фаолият кўрсатишни таъминлашда Б.И.Кочуров томонидан яратилган экологик-хўжалик мувозанати концепциясига ер ресурсларидан фойдаланишда барқарорликни таъминлашнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу концепцияга ўхшаш фикрларни ўтган асрнинг 90 йилларида А.А.Рафиқов (1990) Оролбўйи ва Қизилқумдаги экологик мувозанатни бузилиши мисолида айтган эди.

Ҳудуднинг экологик-хўжалик баланси (мувозанати) - бу табиатнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудуддаги турли аҳоли гуруҳлари ҳамда турли фаолият турлари ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштиришдир. Бундай ёндашувда табиат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши, табиий ресурсларнинг қайта тикланиши таъминланади, экологик ўзгаришлар салбий оқибатларни келтириб чиқармайди, барқарорликка экологик ва хўжалик балансини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади (Б.И.Кочуров, 2003).

Ҳудуднинг экологик-хўжалик балансини ер турлари ва тоифалари, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлари майдони, антропоген босим тури ва даражаси бўйича ерлар майдони, салмоғи, ҳудуднинг экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси (ҳолати), ҳудуднинг табиий

химояланган даражаси, ҳудуднинг экологик фонди каби кўрсаткичларни тахлили орқали аниқланади.

Суғориладиган ерларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўлкамиздаги ердан фойдаланишни тезкор тизими юқоридаги баҳолаш усулларини такомиллаштиришни талаб этади. Шунини ҳисобга олиб ушбу ишда маълум кетма-кетликда 6 та боскичдан иборат ҳар икки, экологик ва хўжалик гуруҳга кирувчи кўрсаткичлардан бир вақтни ўзида фойдаланишни таъминловчи, ўрганилаётган ҳудудни экологик-хўжалик жиҳатдан зўриқиш даражасини ифодаловчи янги усул ишлаб чиқилди ва тадқиқот мазкур усулдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Дастлаб ўрганилаётган ҳудудий объект ер фонди ҳақида маълумотлари йиғилади. Ер фонди ҳақидаги охириги 15-20 йиллик маълумотлар йиғилиши мумкин. Олинган маълумотлар асосида ер фонди тоифалари ва турларини антропоген юк даражаси (АЮ) бўйича таснифлаш жадвали тузиб чиқилади. Бунда ердан фойдаланиш таркибини таснифлаш ер кадастри маълумотларига мос бўлишига эътибор берилади, бу ҳисоб-китоб ишларида статистик, картографик маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратади. Ер фонди таркибини экологик ўхшаш гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга эксперт баҳоси бўйича мос балл беришда Миллус (1984, 1987) Б.Кочуров (1988) маълумотлари энг тўғри ва ишонарли эканлиги амалётда ўз тасдиғини топди (Кочуров, 2004, 2006).

Ҳудудий объектни ер фонди тоифа ва турлари экологик-хўжалик жиҳатидан ўхшаш бўлган 6 та гомоген гуруҳларга ажратилади. Бу жараёнда илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилаётган таснифга (Кочуров 1988, Аҳмадалиев 2014) Наманган вилоятининг ўзига хос табиий-ландшафт шароити ва хўжалиги хусусиятларини ҳисобга олиб, бир оз ўзгартиришлар киритилди. Вилоятлар ва туманлар ер фондининг сатрлар бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотномалардан (Ўзбекистон Республикаси Ер фонди 0.1 2020; 22-сонли шакл) экологик гомоген гуруҳга мос келувчи ер тоифалари ва ер турлари аниқланади. Ушбу таснифдаги гуруҳларга ҳудуднинг табиий-ландшафт таркиби ўзгариб бориши ва антропоген юк даражасига қараб 1 дан 6 гача бўлган баллар берилади (Кочуров, 2006). Бундан ташқари кейинги жараёнларда фойдаланиш учун ҳар бир гуруҳнинг тавсивловчи АЮ индекси, кадастр юритишда фойдаланадиган рақами, юк даражасини белгиловчи сифат кўрсаткичлар бериб борилади. (1.3.1-жадвал). Бу кўрсаткичлар навбатдаги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.


1.3.1-жадвал.

Наманган вилояти ер ресурсларини экологик гомоген гуруҳлар бўйича таснифланиши

Тартиб рақами	Гомоген гуруҳлар номи	Кўпроқ мос келувчи ер тоифалари	Асосий ер турлари (33-сатр бўйича)		Антропоген юк (АЮ)		
			Номи	Рақами	Индекс и	Балл	АЮ даражаси
1.	«Урбанизация-лашган худудлар»	Саноат, транспорт, алоқа ерлари; аҳоли пунктлари; қишлоқ хўжалиги ерлари	Иморат билан банд ерлар Йўл, сўқмоқ ва чорва йўллари Ижтимоий ховли куча ва майдон йуллари Ижтимоий бинолар Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	18 31 32 33 21	АЮ6	6	Жуда юқори
2.	Суғориладиган экин ерлар	Қишлоқ хўжалиги; аҳоли пунктлари ерлари	Экин ерлар Томорқадаги экин ерлар Боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари	3 16 20	АЮ5	5	Нисбатан юқори
3.	Ирригация объектлари остидаги ерлар	Қишлоқ хўжалиги, сув фонди ерлари	Сув омбор ва ҳавзалари Канал, коллектор ва зовурлар	29 30	АЮ4	4	Юқори
4.	Кўп йиллик дарахтзорлар	Қишлоқ хўжалиги; ўрмон; аҳоли пунктлари ерлари	Кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, узумзор, тутзор, мевали кўчатлар) Томорқадаги мевали дарахтлар	4 (5, 6, 7, 8) 17	АЮ3	3	Ўрта
5.	Кам фойдаланиладиган ерлар	Қишлоқ хўжалиги; заҳира ерлар	Бўз ерлар Пичанзорлар Яйловлар К/Хда фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	9 10 11 34	АЮ2	2	Паст
6.	«Экологик таянч» ерлар	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация, маданий аҳамиятга молик; ўрмон; сув фонди ва заҳира ерлари	Ўрмонзорлар Бутазорлар Дарё ва сойлар эгаллаган ерлар Кўллар эгаллаган ерлар	22 (23,24) 25 27 28	АЮ1	1	Жуда паст

Изоҳ: Жадвал Наманган вилояти ер фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Наманган вилоятида ердан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва уни баҳолаш» деб номланган иккинчи бобида Наманган вилояти ҳудуди ландшафт кўрсаткичлари бўйича 5 та ландшафт турларига ажратилган. Мазкур ландшафт турлари экологик-хўжалик ҳолатни баҳолаш мақсадида ўтказилаётган тадқиқотларнинг дастлабки босқичи учун асос бўлади. Чунки ушбу кўрсаткичлар ҳудуднинг ташқи антропоген таъсирларга чидамлилиқ даражасини белгилаб беради. Ташқи антропоген таъсир кўрсаткичларини, ер фонди таркибини, ер турлари ва уларнинг миқдорини, динамикасини ўрганиш учун статистик маълумотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Бироқ, бу маълумотлар ландшафт турлари бўйича эмас балки, маъмурий бирликлар (маҳалла фуқоролар йиғини, туман, вилоят ва мамлакат) бўйича олиб борилади. Шунинг учун вилоятдаги маъмурий туманлар ҳудудида қайси ландшафт турлари мавжудлиги ва уларнинг салмоғини аниқлаб олиш зарурати келиб чиқади. Бунда ҳудудидаги ландшафт турлари майдонини ГИС технологиялари асосида ҳар бир маъмурий туманлар бўйича аниқланди.



2.1.1-расм. Наманган вилоятини замонавий ландшафтлари тавсифи

I. Паст тоғлар ҳудуди:

Паст тоғлар Поп туманининг 53% қисмини эгаллайди. Нисбатан кам ўзгарган бу ерларда паст ўзгариш Поп туманида кузатилсада, энг юқори ўзгариш Косонсой туманида. Паст тоғлар ландшафтларининг бажарадиган экологик функциясидан келиб чиқиб, бу ўзгаришларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Антропоген юк миқдори нисбатан кам бироқ ландшафтларнинг химояланганлик даражасини ҳисобга олганда бу кўрсаткични янада пасайтириш мақсадга мувофиқ.

Нисбий экологик зўриқиш кўрсаткичи ҳам бошқа ландшафтларга нисбатан паст бўлсада бироқ бу кўрсаткични камайтириш зарур. Истиқболдаги режалаштиришда бу ҳудудларда ўрмон фонди ерларини муҳофаза этиладиган ҳудудлар миқдорини кўпайтириш тавсия этилади.

II. Тоғ олди пролювиал текисликлари:

Бу ҳудудга асосан Янгиқўрғон тумани киради. Табиий ландшафт таркибини ўзгаришига кўра ўрта даражадаги туман бўлиб ҳисобланади. Тоғ олди пролювиал текисликлари бугунги кундаги табиий-экологик ҳолатини инобатга олган ҳолда табиий ландшафт таркибини ўзгариши кескин ўзгариб кетишини олдини олиш зарур.

Вилоятдаги мавжуд маъмурий туманлар ичидаги антропоген юк кўрсаткичи нисбатан кам бўлган Янгиқўрғон туманидир. Шундай бўлсада бу ҳудудга тушадиган антропоген юк миқдорини ошиб кетмаслигини назоратга олиб бориш яхши натижа беради.

Бу ҳудудда бошқа туманларга нисбатан нисбий экологик зўриқиш даражаси яхши ҳолатда. Кейинги ривожланиш даврларда ҳам ҳудудда нисбий экологик зўриқиш даражасига салбий таъсир кўрсатмайдиган боғдорчилик турларини янада ривожлантириш муҳим.

III. Адирлар:

Вилоятнинг 6 та туманида адир минтақалари мавжуд. Шу туманларнинг ичида энг кўп майдонни эгаллаган ҳудуд Чуст тумани ҳисобланади. Туман умумий майдонининг 42 % ни адирлар ташкил қилади. Бу ҳудуднинг табиий ландшафт таркибининг ўзгарганлик ҳолати паст даражада бўлсада бугунги ва келажакда ҳам бу ўзгаришларни олдини олиш зарур.

Туман майдонига тушадиган антропоген юк миқдори юқори даражага кўтарилиб кетмасликнинг тезкор чораларини кўриш. Туман аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ошириш яхши натижа беради.

Бошқа туманларга нисбатан нисбий экологик зўриқиш паст лекин имкон борича бу кўрсаткични камайтириш натижасида ҳудуддаги барқарорлик юқори даражада бўлиши таъминланади.

IV. Конус ёйилмаларининг пролювиал-аллювиал текисликлари:

Учқўрғон туманида конус ёйилмаларининг пролювиал-аллювиал текисликлари 95% ни ташкил этади. Бундан маълум бўладигани бу майдонларда қишлоқ чўжалиги ерларида кенг кўламда фойдаланилади. Бу ҳудуд табиий ландшафт таркибини ўзгариши ҳолати бўйича вилоят туманлари ичида юқори ўринда туради. Шу нуқтаи назардан қаралса бу ҳудуддаги табиий ландшафт таркибини ўзгаришини олдини олиш бўйича керакли чора-тадбирла ишлаб чиқилиши лозим.

Антропоген юк миқдорини юқорилиги бўйича ҳам Учқўрғон туманинг қолган туманлардан олдинги юқори. Бу жараённи меъёрлаштириш ва тартибга солиш ишларини амалга ошириш керак. Аҳолини ердан фойдаланиш ҳолатини тартибга солиш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини

қайта ишлаш тармоқларини йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалик ерларига тушадиган юкни енгиллаштиришга эришилади.

Нисбий экологик зўриқиш кўрсаткичлари бўйича ҳам бу ҳудуд бошқа туманлар орасида энг юқори ўринда. Бу жараён шундай давом этиши натижасида туманда табиий, экологик барқарорлик издан чиқиши мумкин.

V. Аллювиал текисликлар:

Мингбулоқ тумани 100 фоиз аллювиал текисликлардан иборат ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудудда табиий ландшафт таркибини ўзгариши ўрта даражада. Биз бу ҳудуднинг табиийлиги ва ландшафт таркибини пасайтириш имкониятларини яратишимиз бу ердаги барқарорликни доимий таъминланганлиги билан ифодаланади.

Ҳудуднинг антропоген юк миқдори ҳам табиий ландшафт таркибига мос равишда ўрта даражада бўлиб ҳисобланади. Ҳудуд аҳолисини атроф-табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазибаларидан биридир. Бу туман учун хос бўлган ўсимлик турларини кўпайтириш, суғориш тизимларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ерларни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш каби муҳим ишларни амалга ошириш зарур.

Нисбий экологик зўриқиш даражасини меъёрлаштириш бўйича бу ҳудудга мос келувчи ўсимликлар дунёсини ривожлантириш, тупроқларни шамол эрозиясидан сақлаб қолиш нисбий экологик зўриқиш даражасини кескин камайтиради.

Маъмурий туманлар ҳудудининг хўжаликда фойдаланиш натижасида табиий ландшафт таркибининг ўзгариш даражасини аниқлаш учун қуйидаги формулани таклиф этиш мумкин:

$$T_{\bar{y}} = \frac{S_{i1} \times S_{i1b} + S_{i2} \times S_{i2b...} + S_{in} \times S_{inb}}{100}; \quad (1)$$

Бу ерда, $T_{\bar{y}}$ – туман табиий ландшафт таркибининг ўзгариш даражаси;

S_{i1} – ер фонди таркибига кирувчи i чи экологик гомоген гуруҳ майдони салмоғи;

S_{i1b} – i чи экологик гуруҳга мос келувчи баҳолаш бали;

100 – умумий бўлувчи;

Олинган маълумотлар асосида ҳисоб ишларини бажаришни Косонсой тумани маълумотлари асосида кўриб чиқамиз. Туманда урбанизациялашган ҳудудлар» ер майдонининг 6,6 фоизни ташкил этади, бу гуруҳга мос келувчи баҳолаш шкаласидаги антропоген юкни ифодаловчи балл 6 га тенг (1.3.1-жадвал), «Суғориладиган экин ерлар» туман ҳудудининг 37,8 фоизни, мос келувчи балл 5 га, «Ирригация объектлари остидаги ерлар» майдони 5,4 фоизни, мос келувчи балл 4 га, «Кўп йиллик дарахтзорлар билан банд ерлар» майдони 11,0 фоизни мос келувчи балл 3 га, «Кам фойдаланиладиган ерлар» майдони 38 фоизни мос келувчи балл 2 га, «Экологик таянч ерлар» майдони 1,1 фоизни, мос келувчи балл 1 га тенг бўлса, Косонсой тумани ер фонди табиий таркибини ўзгариш даражаси 3.60 га тенг бўлади, яъни:

$$(6,6 \cdot 6 + 37,8 \cdot 5 + 5,4 \cdot 4 + 11,0 \cdot 3 + 38 \cdot 2 + 1,1 \cdot 1) : 100 = 3,60$$

Юқорида келтирилган тартибда ҳисоб-китоб ишлари Наманган вилоятининг 11 та маъмурий тумани ва Наманган шаҳри бўйича ўтказилади. Бу маълумотлар ҳар бир туманнинг ер фонди табиий таркибининг ўзгариш даражаси беради. Юқоридаги ҳисоб-китоб ишларини туманлар доирасида охириги 20 йиллик маълумотлар асосида бажариш орқали туманлардаги табиий ландшафтларни ўзгариш мониторинги аниқланади.

Наманган вилоятида ҳам ер ресурсларига тушадиган босимнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги тармоқлари томонидан бўлгани учун тадқиқотда асосан аҳоли сони ва қишлоқ хўжалиги антропоген босим турлари ўрганилди. Қишлоқ хўжалик антропоген босимини (ҚХАБ) тавсифловчи кўрсаткичлари 4 та кичик гуруҳларга бўлиниб, уларни ҳар бирида иккитадан кўрсаткичлар танлаб олинди. Бу кўрсаткичларни антропоген босимнинг хусусий турлари сифатида баҳолаш географик ва геоэкологик йўналишлардаги тадқиқотларда кенг қўлланиб келинаётгани маълум. (Ахмадалиев, 2014; Башкин, 1991; Кочуров, 1999;). ҚХАБ нинг ҳар бир тури 5 балли шкала бўйича баҳоланиб, якуний баҳо интеграл кўрсаткич сифатида қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$Q_{XAB} = \frac{\sum_{i=1}^n K_i \cdot Ш_{\bar{b}}}{1000} \quad (2).$$

Бу ерда,

K -қишлоқ хўжалик антропоген босим турлари кўрсаткичи;

1,2,3, ..., n- баҳолашда қатнашган босим турлари сони;

$Ш_{\bar{b}}$ - босим турларининг регионал баҳолаш шкаласидаги бали;

1000 - умумий бўлувчи.

Иккинчи ва учинчи блокдаги кўрсаткичлар аксарияти марказлашган бошқарув идоралари орқали тақсимот қилинганлиги учун улар миқдори туманнинг экин майдонларига қараб ўзгариб боришга эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун бу кўрсаткичларнинг аксарияти вилоят доирасидаги маъмурий туманлар бўйича бир хил ёки бир-бирига яқин натижага эга бўлиши мумкин.

Ҳисоблаш ишлари юқорида келтириб ўтилган услубиёт ва формулалар бўйича амалга оширилади. Уни вилоятнинг Учқўрғон тумани мисолида кўриб чиқамиз.

Тумандаги *агродемографик* босимни ифодаловчи қишлоқ аҳолисининг зичлиги 1 кв.км. майдонга 572 киши (2.3.1-жадвал), Наманган вилояти бўйича тузилган регионал баҳолаш шкаласида бу кўрсаткич 5 баллга (2.3.5-жадвал), 1 га суғориладиган экин ерларга тўғри келадиган аҳоли сони 7.8 бўлиб, баҳолаш шкаласидаги мос келувчи балл эса 2 га тенг.

Агротехник босим кўрсаткичларидан ҳар 1000 га экин ерларга тўғри келадиган барча русумдаги тракторлар сони 503 дона, жумладан, чопик

тракторлари 204 та, транспорт тракторлари 251 та, занжирли хайдов тракторлари 35 та, Магнум тракторлари 13 та. Ҳар 1000 га экин майдонига ҳисобланганда, туман бўйича 24 та трактор тўғри келади, баҳолаш шкаласида бу кўрсаткич 4 балга тўғри келади. Қишлоқ хўжалик машиналарининг умумий сони 1251 та бўлиб, шундан 92 та чигитни очикқа экиш сеялкаси, 32 та плёнка остига чигит экиш мосламаси, 25 та ер текислагич, 11 та чизел, 865 та борона, 196 та культиватор, 31 та турли комбайнлардан иборат. Ушбу машиналар ҳар 1000 га экин ерларга 44 тадан тўғри келади, баҳолаш шкаласида бу 2 балга мос тушади.

Агрокимёвий босим турларидан 1 га экин майдонига солинадиган минерал ўғитлар миқдори 377 кг. бўлса, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаси 14 кг, баҳолаш шкаласидаги баллар, мос равишда 1 ва 3 ни ташкил қилади.

Ирригацион босим турларидан ҳудудга нисбатан суғориладиган ерлар салмоғи 77 фоиз, баҳолаш шкаласидаги балл 5 га тенг. Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан суғориладиган майдон 94 фоиз бўлиб, регионал баҳолаш шкаласидаги балл 5 га баробар. Шундай қилиб, Учкўрғон туманида қишлоқ хўжалик антропоген босимининг якуний кўрсаткичи 5,88 га тенг, яъни:

$$\begin{aligned} \text{ҚХАБ} &= \frac{572 \cdot 4 + 7.8 \cdot 2 + 24 \cdot 3 + 44 \cdot 2 + 630 \cdot 4 + 14 \cdot 3 + 77 \cdot 5 + 94 \cdot 5}{1000} = \\ &= 5,88; \end{aligned}$$

Шу тартибдаги ҳисоб-китоб ишлари вилоятнинг барча маъмурий туманлар доирасида ўтказилди (3.2.6.-жадвал).

Тадқиқот ишининг учинчи боби «Наманган вилояти ер фонди экологик-хўжалик балансини такомиллаштиришнинг географик жиҳатлари» деб номланиб, вилоятнинг экологик-хўжалик мувозанатни баҳолаш бир қатор муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўналишларини аниқлаш имконини беради. Баҳолаш кўрсаткичи вилоятнинг экологик-хўжалик ҳолатининг зўриқиш даражаси бўлиб уни топишда Б.Кочуров (2008) томонидан таклиф этилган ҳудуднинг нисбий экологик зўриқиш коэффиценти топилади. Унда антропоген юк юқори ва паст бўлган ер майдонлари ўртасидаги нисбатни аниқлашга эътибор қаратилади. Ҳудуднинг нисбий экологик зўриқиш коэффиценти ($K_{\text{нис}}$) қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади.

$$K_{\text{нис}} = \frac{АЮ4 + АЮ5 + АЮ6}{АЮ1 + АЮ2 + АЮ3} \quad (3).$$

бунда, АЮ1, АЮ6 - балл кўрсаткичига мос ҳолда ажратилган антропоген юк тоифалари ва қийматларининг сони.

Аниқланган $K_{\text{нис}}$ қийматлари вилоятдаги антропоген таъсир интенсивлигини (табiiй ресурс потенциалига мос ёки мос келмаслик даражасини) белгилаб беради. Бу орқали эса, вилоятда табiiй ландшафтлар ва ресурсларни қайта тикланиш имконияти сақланганлик даражасини

аниқлашимиз мумкин. Бундай ташхис натижасида вилоятда қандай тоифадаги ерлар миқдорини кўпайтириш зарурияти ва улар учун талаб этилган майдон катталиги ҳам аниқланади. Коэффициент қийматлари қанчалик паст бўлса, тадқиқ этилаётган ҳудуднинг геоэкологик ҳолати шунчалик қулай бўлади.

Наманган вилояти ер фондининг экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси ландшафтларнинг табиий таркибини ўзгариш кўрсаткичлари, антропоген юк кўрсаткичлари ва нисбий экологик зўриқиш коэффициентининг умумий натижаларини жамлаш орқали топилди.

3.1.2-жадвал

Вилоят ер фондининг экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси

№	Туманлар номи	Ландшафт табиий таркибини ўзгариши	Антропоген юк кўрсаткичи	Нисбий экологик зўриқиш	Жами
1	Янгиқўрғон	3,36	3,12	0,55	7,03
2	Чуст	3,2	3,87	0,60	7,67
3	Поп	2,31	5,52	0,14	7,97
4	Косонсой	3,6	3,50	0,99	8,09
5	Чортоқ	3,67	3,71	0,92	8,3
6	Тўрақўрғон	3,97	4,86	1,60	10,43
7	Мингбулоқ	4,11	4,09	3,06	11,26
8	Уйчи	4,37	5,94	3,18	13,49
9	Наманган	4,52	4,74	4,72	13,98
10	Норин	4,65	5,28	5,82	15,75
11	Учқўрғон	4,75	5,88	7,70	18,33

Изоҳ: 1-10 гача жуда паст; 10.1-15 гача ўртача; 15.1 дан катта кўрсаткич жуда юқори. Жадвал муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Наманган вилояти ер ресурсларини экологик-хўжалик ҳолатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ландшафт бирликлари доирасида ландшафтларнинг табиий таркибини оптималлаштириш антропоген юк миқдорини меъёрлаштириш ва нисбий экологик зўриқиш коэффициентини камайтириш бўйича ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Наманган вилояти ер ресурсларининг ландшафт-экологик ҳолатига доир тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Барқарор ривожланиш концепциясини юзага келиш тарихи, шароитлари ва омиллари ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ минтақавий хусусиятлари таҳлил қилинди. Бу эса мазкур концепцияда назарда тутилган провард мақсад жамиятни барқарор ривожланишини

таъминлашнинг шартларидан бири ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш эканлигини асослаш имконини берди;

2. Хорижий мамлакатларда амалий ва илмий тадқиқотларда кенг қўланилаётган, тадқиқ этилаётган ҳудудни экологик-хўжалик ҳолатини баҳолашнинг ArcGIS технологияларидан фойдаланиш ҳамда, суғориладиган ҳудудларнинг табиий-ландшафт таркибини ўзгариши, антропоген юк миқдори ҳамда нисбий экологик зўриқиш даражасининг минтақавий хусусиятларни эътиборга олиб такомиллаштирилган услубиёти экологик-хўжалик ҳолатини юқори аниқликда, маъмурий туманлар доирасида аниқлаш имконини яратди;

3. Наманган вилояти ҳудудида ландшафт турларининг чегаралари дастлаб маъмурий туманлари доирасида аниқланиб сўнгра умумлаштирилди, ҳар бир туманда мавжуд ландшафт турининг миқдори (га.) ва салмоғи (%) аниқланди. Бу эса ландшафтли режалаштириш жараёнида берилаётган таклиф ва тавсияларни амалга оширишни таъминлайдиган мавжуд бошқарув идораларига (туман иқтисодиёт, ер ресурслари ва кадастр, кишлок хўжалиги бошқармаларига) йўналтириш имконини берди;

4. Экологик-хўжалик балансини тадқиқ этишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида Наманган вилояти ер фонди тоифа ва турларидан (33 сатр) фойдаланишнинг интенсивлиги, табиий қопламни ўзгариши бўйича экологик гомоген гуруҳларга ажратилди. Вилоят ер фонди ҳисоботлари асосида кейинги 20 йилдаги экологик гомоген гуруҳлар майдони ва салмоғидаги ўзгаришлар динамикаси аниқланди. Ушбу маълумотлар асосида яратилган башоратли хариталардан ердан фойдаланишнинг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

5. Наманган вилояти маъмурий туманлари ҳудуди халқ хўжалигида интенсив фойдаланиш натижасида табиий-ландшафт таркибининг ўзгариш даражасини аниқлаш формуласи таклиф қилинди. Наманган вилоятининг ер фонди табиий таркибининг ўзгариш даражаси 11 та маъмурий туман ва Наманган шаҳри бўйича ўтказилди. Олинган натижалардан вилоятда табиий-ландшафтлар таркибини ўзгаришининг ҳудудий жиҳатларини аниқлаш ва умумий жараёни мониторинг қилиш, ҳар бир туманда ландшафт хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

6. Наманган вилоятида ер ресурсларига тушадиган антропоген босимнинг хусусий турларидан демографик, агроирригацион, агрокимёвий, агротехник босимини тавсифловчи кўрсаткичлар ўрганилди. Босимнинг ҚХАБ нинг ҳар бир тури 5 балли шкала бўйича баҳоланиб, якуний баҳо интеграл кўрсаткич сифатида аниқланди. Мазкур босим турларини меъёрлаштиришда минтақанинг табиий-ландшафт хусусиятларини, босимни ҳар бир турига чидамлилиқ даражасини, химояланганлигини ҳисобга олувчи тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Наманган вилояти ҳудуди экологик-хўжалик жиҳатидан зўриқиш даражаси бўйича районлаштирилган, экологик-хўжалик ҳолатни

муракблашишига сабаб бўлган омилларнинг генезиси, салмоғи аниқланди, экологик-хўжалик ҳолатни оптималлаштиришнинг ҳудудий жиҳатлари асосланди.

8. Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг истиқболдаги ер тузиш ишларида қўллаш учун ландшафтларнинг агроирригацион, агрокимёвий, агротехник таъсир турларига чидамлилиқ даражасини ҳисобга олувчи ландшафтли режалаштириш тамойилларига асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ШАРАФА РАШИДОВА**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИМДЖАНОВ НОЗИМЖОН НИМАДЖАНОВИЧ

**ОЦЕНКА ЛАНДШАФТНО-ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ
ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ И ПУТИ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ (НА
ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Gr109.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Ахмадалиев Юсулжон Исмоилович доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Уразбаев Абдукарим Кендербаевич доктор географических наук, профессор Алимулов Нусратилла Рахмонкулович кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится 31 марта 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете имени Шарафа Рашидова (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15, главный корпус Самаркандского государственного университета, комната 105. Тел.: (+99866) 239-16 36, факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за №29). Адрес: г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (+99866) 239 11 40.

Автореферат диссертации разослан «16» _____ 03 _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 21 от «7» _____ 01 _____ 2022 года)



С.Б.Аббасов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD

В.А.Рафиков
Заместитель председателя научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В целях обеспечения потребностей населения и отраслей народного хозяйства в земельных ресурсах в мире усиливается процесс освоения новых земель, более интенсивного использования освоенных земель. Это приводит к изменению природно-ландшафтного состава земельного фонда, снижению биоразнообразия и нарушению его оптимального состояния под воздействием внешнего антропогенного давления. В программе ООН по устойчивому развитию до 2030 года определены задачи «охраны и восстановления экосистем суши, их рационального использования, рационального управления лесами, борьбы с опустыниванием, остановки деградации земель и предотвращения оскудения биологического разнообразия»¹. Эти задачи требуют исследования рационального использования земель, особенно в районах с ограниченными земельными ресурсами.

В мире уделяется приоритетное внимание исследованиям в этом направлении, особенно рациональному использованию ресурсов путем использования земель в соответствии с принципами устойчивого развития, разделения земельных ресурсов на гомогенные группы по изменению состава природного ландшафта, расчета показателей антропогенной нагрузки, оценки эколого-хозяйственного баланса территорий. Также, учитывая взаимосвязь между областями ландшафтоведения и землеустройства, важным является определение видов землепользования, по возможности, исходя из природно-ландшафтного требования, использование принципов ландшафтного планирования.

В нашей республике проводится ряд реформ и достигаются значительные положительные результаты по повышению эффективности землепользования и учету природно-ландшафтных особенностей местности при классификации земельного фонда каждого региона, определении типов сельскохозяйственных угодий и определении состава посевных площадей В Указе Президента Республики Узбекистан определены важные задачи по «защите земель, почв от антропогенных и других воздействий на окружающую среду, замена использования минеральных удобрений в сельском хозяйстве на органические удобрения»². В связи с этим важно провести комплексное изучение ландшафтно-экологического состояния земельных ресурсов, в частности Наманганской области, провести исследования по преодолению негативных экологических проблем, вызванных усилением антропогенной нагрузки на сельское хозяйство.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Указом Президента Республики Узбекистан ПФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года».

Республики Узбекистан: УП-6061 от 7 сентября 2020 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы ведения учета земли и государственных кадастров» и Постановлении от 24 февраля 2021 года № ПП-5006 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VIII. «Науки о Земле», и V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. При организации использования земельных ресурсов большое внимание в современных исследованиях уделяется изучению специфических природно-ландшафтных особенностей и степени эколого-хозяйственной напряженности местности. Среди ученых стран СНГ, проводивших исследования в этой области, были А.Г. Исаченко, Б.И. Кочуров, В.Г. Крючков, А.М. Носонов, В.Н. Калуцков. Исследования узбекских ученых А. А. Абдулкосимова, Л. А. Алибекова, А. Рахматуллаева, А. Уразбаева, С. Б. Аббосова, А. Максудова, А. А. Рафикова, Ю. Шадаметова, Т. Джумаева, А. Н. Нигматова, Б. Камолова, К. Боймирзаева, Ю. И. Ахмадалиева помогут раскрыть суть вопроса. Работы по ландшафтному планированию, способствующие обеспечению устойчивого развития территории на основе оценки эколого-хозяйственного состояния земельного фонда, пока не проведены в Наманганской области.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование осуществлено в рамках прикладного исследовательского проекта научно-исследовательского плана Наманганского государственного университета № ИТД-7-29 «Природные ресурсы Наманганской области, их рациональное использование и пути решения возникающих экологических проблем».

Целью исследования является разработка предложений и рекомендаций по эффективным направлениям землепользования путем изучения степени изменения природно-ландшафтного состава земельного фонда Наманганской области, динамики годовых и территориальных изменений эколого-хозяйственного баланса.

Задачи исследования:

раскрыть научно-теоретические основы устойчивого развития, связанные с земельными ресурсами;

совершенствование методики классификации на экологические гомогенные группы по составу ландшафта и степени его изменения земельного фонда;

определение размера частной антропогенной нагрузки на земельный фонд Наманганской области;

определение коэффициента относительной экологической напряженности и картографирование территории Наманганской области;
районирование территории области на уровне административно-хозяйственных единиц по степени эколого-хозяйственной напряженности;
